O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№96 (849) 2024 йил 13 декабрь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИДА АҲОЛИ МАБЛАҒЛАРИ КАФОЛАТЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев уй-жой қурилишида аҳоли маблағларини кафолатлаш тизимига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз аҳолиси 37 миллиондан ошди. Шу йилнинг ўзида 215 мингта оила пайдо бўлди. Албатта, буларнинг барчаси уй-жойга талабни кўпайтиради.

Жорий йилда 100 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилади. Келгуси йилда 120 минг хонадонли уйлар қурилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, талаб кўплигидан фойдаланиб, бу соҳада инсофсиз бизнес қилаётганлар ҳам бор. Тўлов тизими тартибга солинмагани, рақамлаштириш ва очиқ-ошкоралик йўқлиги бунга йўл очиб бераяпти. Янги уйларни олмоқчи бўлган одамлар пулини банк орқали эмас, тўғридан-тўғри қурувчига бераётгани учун бу маблағлар “соя”да қолаяпти. Кўп ҳолларда уйларни топшириш муддати кечикиб, аҳоли тўлаган пуллар “музлаб” турибди. Улушдорлик шартномалари ҳеч қаерда рўйхатга олинмай, фақат қурувчининг манфаатига хизмат қилаяпти.

Шу боис давлатимиз раҳбари 23 сентябрь куни қурилиш индустрияси бўйича ўтган йиғилишда уй-жой сотиб олишда аҳоли маблағларини кафолатлайдиган тизим яратиш топшириғини берган эди. Тақдимотда бу борадаги таклифлар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, хорижий давлатларда “escrow” тизими тажрибадан ўтган. Унга кўра, буюртмачи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган шартномага асосан, ҳар бир қурилиш иншооти бўйича “escrow” ҳисобварағи очилади. Кўчмас мулк учун келишилган маблағлар ушбу ҳисобварақ орқали амалга оширилади. Унда йиғиладиган маблағлар асосида тижорат банклари буюртмачига пасайтирилган фоизда кредит тақдим этади. Қурилиш битгач, харидорнинг ҳисобварағидаги пул девелопер ташкилотга ўтказилади. Қурувчи ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда, бу пул эгасига қайтариб берилади. “Escrow” ҳисобварағида турган маблағларга ундирув қаратилмайди.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, бу борада ҳуқуқий асос яратиш, мазкур тизимни қурилишга алоқадор вазирлик ва идораларда интеграция қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎзА.

ЕНГИЛ САНОАТДАГИ НАТИЖАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни тўқимачилик ва чарм саноатидаги ислоҳотлар натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу тармоқлар аҳоли бандлиги ва экспортда катта ўринга эга. Хусусан, уларга тегишли корхоналарда 430 минг фуқаро иш билан таъминланган. Енгил саноатнинг жами ишлаб чиқаришдаги улуши 14 фоизни, экспортда 16 фоизни ташкил қилади.

Лекин бугунги мураккаб шароитда ташқи бозордаги вазият тез ўзгараяпти. Бунинг таъсирида экспорт нархлари ип калавада 9 фоизга, газламада 15 фоизга, тайёр маҳсулотда 13 фоизга тушган. Асосий экспорт бозорларимизда тайёр маҳсулот олиш камайган.

Йиғилишда бу вазиятга мослашиб ишлаш, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш чоралари муҳокама қилинди.

Январь-ноябрь ойларида тўқимачилик экспорти 2,6 миллиард долларни ташкил қилди. Соҳадаги имкониятлар ҳисобига буни ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Жаҳон бозорида тола нархи пасайиб бораётган шароитда тола ва ип калавани чуқур қайта ишлашни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун мато ишлаб чиқариш ва бўяш корхоналарини қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Соҳа масъуллари олдига ип калавани қайта ишлаш даражасини 70 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, бу йил қўй ва эчки териси экспортидан 10 фоизлик йиғим бекор қилингани натижасида 3 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилган. Ушбу тажрибани келаси йил ҳам давом эттириб, экспортни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Чарм саноати корхоналарини хомашё билан узлуксиз таъминлаш чоралари ва келгусидаги режалар бўйича масъулларнинг ҳисоботи эшитилди.

Чарм саноатида бичувчи, тикувчи, косиб каби ўрта бўғин кадрлари етишмаётгани, бу йўналишда йилига бор-йўғи 167 нафар мутахассис тайёрланаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, пойабзал ишлаб чиқариш ривожланган Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги етакчи корхоналарни техникумларга боғлаб, “дуал таълим”ни йўлга қўйиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда келгуси йилга мўлжалланган режалар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Қайд этилганидек, енгил саноат тармоғига 2 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция жалб қилиб, 82 та йирик лойиҳани амалга ошириш ҳамда 25 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 4 миллиард долларга, чарм маҳсулотлари экспортини 250 миллион долларга олиб чиқиш мақсад қилинган.

ЎзА.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...



ОРЗУЛАР УШАЛГАН МАНЗИЛ – хушнудликлар кўз ўнгида бунёд бўлган обод маҳалла



Бешинчи қаватнинг очиқ деразасидан бир аёл кўринади. У нигоҳлари билан ҳовлидан кимнидир қидиргандай бўлади.

Ана, тўр девор билан ўралган яшил майдончада болалар копток тепяпти. Унинг ёнидаги қизил-сариқ тўшамали очиқ жойда эса қизалоқлар сирпанчиқ учяпти.

– Санжар, синглингга қара, – деди у овозини бироз баландлатиб. – Ўйнагани ёнингга тушиб кетди.

Кўп қаватли уйлар орасидан юриб, Хушнуд маҳалласи идорасини дараклаб кириб борамиз. Ҳар бир манзара, ҳар бир ҳолат кўнгилни шод қилади. Номига муносиб манзил.

▶ 2-бет

Шерзод ҲИДОЯТОВ, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири.



Асосий мақсадимиз – АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ

Инсон қадри ҳар нарсадан устун. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси ва одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган ижтимоий бошқарув тизими, бугун амалда, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида намоён бўлаётганини кўриб турибмиз. Бугун тўла ишонч билан айта оламизки, кейинги саккиз йилда амалга оширилган ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда инсон қадри нечоғлик устувор эканлиги кундалик турмуш тарзимида ҳам ўз исботини топмоқда.

Хўш, бу нималарда намоён бўлади? Ўзим шу соҳа вакили ва масъули сифатида буни кўпроқ қурилиш ва бунёдкорлик ишларида кўраман. Ахир, шу давр ичида озмунча ишлар амалга оширилдими?!

Бир пайтлар овлоқ, ташландиқ, одам яшашини тасаввур қилиш қийин бўлган жойларда катта-катта мавзелар, маҳаллалар, замонавий ижтимоий соҳа объектлари яратилди. Бугун улар одамларнинг севимли масканига, обод манзилига айланган. Давлатимизнинг оқилона инсонпарвар сиёсати, халқимизнинг бунёдкорлик шижоати туфайли йўқдан бор бўлди. Бир мисол. Яқинда Президентимиз Янгиҳаёт туманидаги Хушнуд маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти, ҳудуддаги ўзгаришлар билан танишди.

– Бугун келишимиздан мақсад қабул қилаётган қарорларимиз натижасини, одамлар ҳаётини кўриш. Худди бу тумандагидай, ҳар бир ҳудудни ривожлантириш, одамларга қулайликларни ва иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Шу билан бирга, таълим-тарбияга, маданиятга катта эътибор қаратяпмиз. Билим ва маънавият мустаҳкам бўлса, иқтисодиёт ҳам яхши ривожланади, – деди давлатимиз раҳбари.

Маҳалла 2021 йил ташкил этилган. Бу ердаги 48 та кўп қаватли уй ҳамда 625 та ҳовлида 11 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Аввалари бу жойлар чекка, кўримсиз эди. 2018 йилдан бошлаб замонавий уйлар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари қурилди. Атроф ободонлаштирилди.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№96 (849) 2024 йил 13 декабрь

◀ 1-бет

ОРЗУЛАР УШАЛГАН МАНЗИЛ – хушнудликлар кўз ўнгида бунёд бўлган обод маҳалла









ЎзА фотомухбири Носиржон ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Президент Шавкат Мирзиёев 23 ноябрь куни Янгиҳаёт туманидаги ушбу маҳаллада бўлиб, аҳоли ҳаёти, ҳудуддаги ўзгаришлар билан танишган эди. Ташрифдан сўнг биз журналистлар ҳам у ерда бўлдик, оқсоқоллар ва ҳудуд фаоллари билан суҳбатлашдик.

– Бу жойлар олти-етти йил олдин эътибордан четда қолган ҳудуд эди, – деди маҳалла раиси Орифжон Алиқулов. – Ҳозир ўша чанг-лой йўллар, қамиш ўсиб ётган майдонлар ҳақида гапирсак, бироз ишонмайди. Бекатга ёки мактабга бориш учун бир километрдан ортиқ пиёда юриш керак эди. Президентимиз 2017 йил бу ерларга келганларидан кейин ҳамма нарса бутунлай яхши томонга ўзгара бошлади. Асосий кўча катта халқа йўлига боғланди. Қисқа фурсатда кўприклар қурилди, метро келди. Маҳалламиз ҳам янги – 2021 йил ташкил этилган. Бу ерда 48 та кўп қаватли уй ҳамда 625 та якка тартибдаги ҳовли-жой бор. Уларда уч мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Ўн бир минг нафардан зиёд аҳоли аҳил яшайди. Ҳамма хурсанд, кўнгиллар хотиржам. Аҳоли вакиллари, нуронийлар президент билан мулоқотда бундай шароитлар учун алоҳида раҳмат айтишди. Суҳбат жуда самимий бўлди.

Кўп қаватли уйларнинг асосий қисми, болалар ўйинғоҳи ва спорт майдончалари ҳам 2018 йилдан кейин қурилган. Бу ерда боғча, спорт мактаби, оилавий поликлиника, хусусий клиника, ишлаб чиқариш корхоналари, дўкон ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишламоқда. Маҳалланинг уч қаватли биноси ҳам шу йил бунёд этилди. Унинг биринчи қаватида “еттилик” хоналари, кутубхона, жадидлар бурчаги жойлашган. Юқори қаватларда аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатувчи ўқув маркази, хотин-қизлар учун фитнес зал фаолият олиб бормоқда. Ертўлада эса ёшларни касбга йўналтирувчи мономарказ ташкил этилган.

– Бу ерга кўчиб келганимизга беш йил бўлди, – деди маҳалла фаоли Фотима Ҳасанова ЎзА мухбири Икром Аввалбоевга. – Ҳавас қилярли ўзгаришларни кўрдик. Маҳалламизни обод қилиш, йўл, сув, электр каби инфратузилмани яхшилаш борасидаги тарихий жадалликка гувоҳ бўлдик. Бу ишларнинг бошида турган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз. Мен ҳам она сифатида атрофни озода сақлаб, болаларимга яхши тарбия бериб, бу эзгу амалларга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, маҳаллада бир юз эллик ўринли, замонавий шароитлар яратилган хусусий боғча фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Ушбу муассаса жорий йилда фойдаланишга топширилган ўн олти қаватли уйнинг биринчи-иккинчи қаватларида жойлашган. Маҳаллада ёш болали, уйидан узоққа бориб ишлаш имконияти йўқ аёллар кўп. Улар учун шу ерга яқин жойларда тикувчилик, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш каби йўналишларда янги иш ўринлари яратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда муҳим дастурлар айнан маҳаллаларда амалга оширилаётгани қувонарли. Натижа эса жойлардаги ободликда ўз ифодасини топмоқда.

Асосий мақсадимиз – АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ

◀ 1-бет

Умуман, Янги ҳаёт янги туман. Унга қўйилган пойдевор ҳудудда кўплаб турар жойлар барпо этилиши ва уларга минглаб оилаларнинг кўчиб кириши билан боғлиқ. Натижада бугунга келиб янги Ўзбекистоннинг янги тумани саноати, тадбиркорлиги, инфратузилмаси ривожланган, одамлар кайфияти юқори ҳудудга айланди. Очиғини айтиш керак, яқин вақтларгача тақир ерлар ўрнида қават-қават иморатлар қад ростлайди, фарзандларингиз шу ердаги боғча ёки мактабга боради, маҳаллангизда замонавий завод-фабрикалар қурилади, дейилса биров ишонармиди? Кейинги саккиз йилдаги ислоҳотлар, одамларнинг турмуш тарзини тубдан яхшилади, тасаввурларини ўзгартирди.

Чиндан ҳам, бундай кўламдор бунёдкорлик жараёни шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш баробарида, одамлар ҳаётига файз, мазмун ва барака бағишлаяпти. Махсус дастурлар асосида қад ростлаётган арзон турар жойлар, намунали уйлар, янги массивларда одамлар муносиб ҳаёт кечирмоқда. 2017 йилдан бугунга қадар республикамиз бўйича жами 400 мингга яқин хонадондан иборат салкам 8 мингта кўп қаватли уй барпо этилгани фикримизнинг далилидир. Бинобарин, биргина объектнинг ишга туширилиши туфайли кимдир уйли, кимдир ишли бўляпти, ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланиб, қиёфаси янада кўркамлашяпти.

Мамлакатимизнинг демографик ўсиш сурати янги уйларга бўлган талабни тобора орттирмоқда. Шу боис, жорий йилда 2,5 минг гектар ҳудудда 53 та “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилмоқда. Келгуси беш йилда айнан шундай массивларда яна 250 мингдан зиёд оилани уй билан таъминлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, жорий йилда 2 та шаҳар ва 35 та шаҳарчанинг бош режалари ҳамда 94 та қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Тегишли қарорлар тасдиқланди. Бу шаҳарлар қиёфаси янада чирой очади, қишлоқ аҳли ҳаёти шаҳардагидек бўлади, дегани.

Бу борадаги ишларни мукаммал амалга ошириш учун 105 та техник-норматив ҳужжат ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Намунавий лойиҳалар, энергия тежамкор технологиялар, материаллар ва лойиҳа ечимларидан самарали фойдаланган ҳолда, қайта ишлаб чиқилди.

Шунингдек, “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 12 мингдан ортиқ объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. Мазкур тизимнинг tender.mc.uz электрон платформаси орқали 9 мингга яқин объект бўйича лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш онлайн электрон тендер савдолари ўтказилди. Жорий йилнинг ҳисобот даврида бажарилган жами пудрат ишлари ҳажми 167 триллион сўмдан ортиқни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 9,1 фоизга ўсди.

Инсон қадри мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч, хавфсиз ва сифатли ҳаёт, яъни муносиб турмуш шароити, дегани. Ижтимоий давлат деганда, ўз фуқароларига муайян фаровонликни кафолатлайдиган давлат тушунилади. Юртимиз бўйлаб замонавий уй-жойлар қад ростлаб, фаровон ҳаёт кечириш учун инфратузилмалар яратилаётгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Янги Ўзбекистонда ҳар бир фуқарога ғамхўрлик қилиш, аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар борлиги шундай дейишимизга асос бўлади.

Халқимиз хоҳиш ва истаги асосида янгиланган Конституциямизнинг 47-моддасида одамларнинг бирламчи ҳуқуқларидан ҳисобланган уй-жой масаласига аниқ тавсиф берилган. Унга кўра, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади. Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, қурилиш соҳасини модернизация қилиш мақсадида янги қурилиш нормалари ва стандартлари жорий этилмоқда. Бу қурилиш ишларининг сифатини ошириш, замонавий архитектура ва муҳандислик ҳунарларини қўллаш, экологик ва хавфсизлик талабларига мувофиқ иш юритишга ёрдам беради. Хусусий инвестициялар ва тадбиркорликнинг қурилиш соҳасида фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Қурилиш соҳасида экологик хатарларни камайтириш мақсадида эко-қурилиш ғоялари кенг ривожланмоқда. Бунинг учун энергия тежамкор қурилиш материаллари, қайта тикланувчи энергия манбалари ва эко-дизайн элементларини қўллашни рағбатлантиришга урғу берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда қурилиш ва архитектура иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳаларига айлангани, бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгаяётгани эса айни шу эзгу мақсадларга хизмат қиляпти.

Фаровон турмуш учун амалга оширилаётган эзгу ишлар

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун юртимизда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудудлар қиёфаси ўзгариб, маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланмоқда. Ижтимоий соҳа, турар жой объектлари, йўл қурилиши ишлари узлуксизлиги таъминлангани боис жойларда кўзни қувонтирадиган энг муҳими, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи иншоотлар қад ростламоқда. Қилса бўлар экану! Бугун сурхондарёликлар бу ўзгаришларни шундай баҳоламоқда.

Рақамларга эътибор қаратсак. Вилоятда 2024 йилнинг 9 ойи давомида жами 304 та объектда олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 1,1 триллион сўм ажратилган. Натижада ўтган вақт давомида 954,8 миллиард сўмга тенг қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Йил охирига қадар қурилиши якунланиши белгиланган 232 та объектдан 113 таси фойдаланишга топширилди. Қолган 119 тасида ишлар давом этмоқда. Шунингдек, манзилларни бир-бирига боғлайдиган йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам воҳада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳамда унинг таркибидаги корхоналар томонидан инфратузилмани яхшилаш мақсадида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 647,4 километр узунликдаги автомобиль йўлларида ва иккита кўприкда 483,4 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

– Умумфойдаланувдаги темир йўлларида инвестиция дастурига асосан 2024 йил учун 13 та объект белгиланган бўлиб, унинг 6,4 километри умумфойдаланувдаги темир йўллари ҳисобланади ҳамда 320 пагонаметрли 3 та кўприкни қуриш ва қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда, – деди Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бўлим бошлиғи Одил Маматов. – Ўтган 9 ой давомида 107,3 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Дастурга асосан, 6 та объектда 16 километр автомобиль йўлларини қуриш режалаштирилган бўлиб, уларни бажариш учун 51,7 миллиард сўм маблағ ажратилиб, ҳозирги кунда 22,3 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди. Жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари 14 та туман йўл корхоналари томонидан бажарилган бўлиб, режада 221 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда 308 километр йўлларда 178 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди. Ички хўжалик йўллари бўйича инвестиция дастурига асосан 14 та объектда 47,6 километр йўлларни қуриш режалаштирилган бўлиб, улар учун 114,2 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда 68 миллиард сўмга яқин ишлар бажарилди.

“Янги Ўзбекистон” массивларида 6 километр узунликдаги йўл қурилиши ишлари якунланди. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зона кичик саноат зонаси туризм объектлари ва “Ташаббусли бюджет” дастурларига асосан ҳудудларнинг йўл инфратузилмаси тубдан яхшиланмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массивига олиб борувчи 4 та йўлнинг 6 километр қисмини қуриш учун 8,3 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда 7,4 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди. Эркин иқтисодий зоналарида 1 та объектда 208 километр йўлни қуриш учун 4 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирга қадар 3, 6 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди. Кичик саноат зоналарида 3 та объектда 1,7 километр ишларни амалга ошириш учун 2,4 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирги кунга келиб 2,1 миллиард сўм маблағ қийматидаги ишлар амалга оширилди.

Вилоятда истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли натижалар бор. Масалан, жорий йилнинг шу даврига қадар 242 километр электр тармоқлари тортилди. Ҳудудларда электр таъминотини намунали ташкил этиш мақсадида 45 та янги трансформатор ўрнатилди. Бундан ташқари, 2 минг километрдан зиёд электр узатиш тармоғи ва 610 дона трансформатор мукаммал таъмирланди. Натижада 168 та маҳаллада яшовчи 137 мингдан ортиқ юртдошларимиз истиқомат қилаётган 43 мингта хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, табиий газ соҳасида мавжуд муаммолар ҳал этилмоқда. Ҳозирда вилоятда 134 170 дан ортиқ аҳоли ва 2 593 та истеъмолчиларга табиий газ етказиб берилади. Жорий йилнинг 9 ойида 2,1 километр газ қувури янгидан ўрнатилди. 9,5 километри эса мукаммал таъмирланди. Келиб тушган мурожаатлар асосида 1 538 та янги маиший газ баллонлари тарқатилди. Йил якунига қадар 4,9 километр газ қувурларини янгидан ўрнатиш, 3,9 километрни таъмирлаш ва аҳоли талабидан келиб чиқиб, қўшимча 2,2 минган ортиқ янги маиший газ баллонлари тарқатиш чора-тадбирлари белгилаб олинган.

Бундан ташқари, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам катта ўзгаришларни кўриш мумкин. Айни пайтда воҳада аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси йил бошида 62,9 фоиздан 64, 1 фоизга етказилди. Жами 4 та ичимлик суви иншооти ва 190 километр тармоқ бунёд этилди. Юртдошларимиз хонадонларига 38 860 дона сув ҳисоблагич ускуналари ўрнатилди. Албатта, буларнинг барчаси инсон қадри, унинг яхши яшаши, фаровон турмуши учун амалга оширилаётган эзгу ишлардир.

– Барча туман ва шаҳарларда 2024 йил қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 164 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди, – деди мутахассис Комил Эшонқулов. – Ажратилган маблағлар доирасида 19 километр ичимлик сув тармоқлари 1 дона сув иншооти, 6 700 метр оқава сув тармоғи ҳамда 2 дона оқава сув иншоотларини қуриш режалаштирилган. Жорий йилда фойдаланишга топшириш учун режалаштирилган 6 та объектнинг 4 тасида қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоят аҳолисини ичимлик суви таъминоти “Тўпаланг” сув обмори ҳисобига қуввати 200 минг куб бўлган тозалаш сув иншоотида қурилиш ишлари тўлиқ якунига етказилди. Бу эса вилоятнинг Денов, Қумқўрғон, Сариосиё ва Шўрчи туманларидаги 34 та маҳалладаги 141 900 нафар аҳоли “Тўпаланг” сув манбаси орқали бугунги кунда ичимлик суви билан таъминланиб келмоқда. Шулар жумласидан, Қумқўрғон туманининг 3 та маҳалласида 10 600, Сариосиё туманидаги 9 та маҳаллада 32 минг, Шўрчи туманидаги 8 та маҳалланинг 27 500 нафар аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди.

Вилоят ҳокимлигининг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан Бойсун туманининг олис ва оғир ҳудудидаги маҳаллада ҳам 5,8 километр ичимлик суви қувури ётқизилиб, қурилиш ишлари якунланди. Денов туманининг Ёшлик маҳалласидаги “Алламжаҳон” аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш учун жорий йилнинг август ойида диаметри 76 мм бўлган 19,4 километр қувурлар етказилди. Жарқўрғон туманидаги Гулҳовуз маҳалласи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан 17 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, йил якунига қадар 117 километрдан зиёд автомобиль йўлида 232 миллиард сўмга тенг таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 2024 йилда 70 фоизга етказиш мақсадида 33 километр тармоқ тортилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 8 та ичимлик суви иншоотларини қуриб, 6 та маҳалланинг 10,2 минг нафар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам мақсад қилинган.

Ҳар бир иншоот сифатли барпо этилиши керак



Сирожиддин ЭШҚУВВАТОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентабрда соҳага доир ўтказилган йиғилишида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг келгуси фаолиятига доир устувор вазифалар ҳам белгилаб берилган эди. Бугун ушбу вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тизимда шаффофликни таъминлаш, коррупцион ҳолатларга чек қўйиш мақсадида барча ишлар рақамлаштирилиб, қурилаётган бино ва иншоотларда сифат назорати кучайтирилмоқда.

Хусусан, 2024 йилнинг 1 декабр ҳолатига кўра, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан 281 220 маротаба мониторинг ҳамда назорат ишлари амалга оширилган. Назорат ишлари давомида қурилиш объектларида аниқланган камчилик ҳамда қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан қурилиш маъсулларига бажарилиши мажбурий бўлган 116 011 та ёзма кўрсатма берилиб, уларнинг 109, 673 таси қурилиш иштирокчилари томонидан бартараф этилган.

Инспекция ходимлари томонидан берилган ёзма кўрсатмалар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги боис, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасига асосан, 7 371 та ҳолатда қурилиш иштирокчиларига (пудратчи, буюртмачи, лойиҳа ташкилоти) жарима чоралари қўлланилган. Шунингдек, сифатсиз қурилиш ишлари олиб борилганлиги сабабли 633 та ҳолатда қурилиш ишлари вақтинчалик тўхтатилган. Хусусан, инспекция ходимлари томонидан ўтказилган мониторинглар натижасида Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида буюртмачи “Шер Махсус транс” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли уйнинг бетон пойдевор ишлари бажарилишида лойиҳага амал қилинмагани аниқланган. Объектда қурилиш-монтаж ишлари вақтинчалик тўхтатилиб, лойиҳа талаблари асосида бажарилмаган ишлар буздирилган.

Афсуски, мониторинглар жараёнида аниқланган бу турдаги кўплаб сифатсиз қурилишларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бунга сабаб эса, айрим қурувчи ташкилотларнинг масъул ходимлари ўзига юклатилган вазифага маъсулият билан ёндашмагани, ишига беписандлик билан қараганлигидир. Баъзи қурилиш вакиллари ўз вазифасини тўлақонли тушуниб етмаябди. Оқибатда “мендан кетгунча” қабилида сифатсиз қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Инспекция ходимлари томонидан эса бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кескин қонуний чоралар кўрилмоқда. Статистик кўрсаткичларга назар соладиган бўлсак, республикамиз миқёсида 2338 та ҳолатда қурилиш обектида қурилиш меъёрий талабларига амал қилинмаганлиги, шу билан бирга, қурилишга жавобгар шахслар – буюртмачи, техник пудратчи, лойиҳачининг муаллифлик назорати бўйича мутахассислар ўз ишига беписандлик билан қараганлиги боис, объектда буздириш ишлари амалга оширилган. 882 та ҳолатда эса юқорида қайд этганимиздек, ўз ишига беписандлик билан қараб, юрдошларимиз ҳаётини хавфга қўйган техник, ички ҳамда муаллифлик назорати мутахассисларининг лицензиялари тугатилган.

Хусусан, Хоразм вилоятининг Тупроққалъа тумани ҳудудида ўтказилган мониторинглар натижасида кўп қаватли уйнинг қурилишига буюртмачи “Олмос Бунёд” МЧЖ томонидан сифатсиз темир бетон плиталари олиб келинганлиги ҳамда фойдаланилганлиги маълум бўлди. Плиталар буздирилиб, яроқсиз материалларни ишлаб чиқарувчи ташкилотга қонуний тартибда кескин чоралар кўрилди ҳамда фаолиятини чеклаш бўйича тақдимнома киритилди. Республикамиз бўйлаб мониторинглар жараёнида бу турдаги сифатсиз қурилиш материаллари ҳамда буюмларидан фойдаланилганлиги бўйича 1509 та ҳолат аниқланди ва ишлаб чиқарувчи корхоналарга тегишли тартибда тақдимномалар киритилди.

Булардан ташқари, кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Инспекция томонидан белгиланган маъмурий жарималар бўйича кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида 1 896 та 9,8 млрд сўмлик маъмурий жарима расмийлаштирилган. Шундан, МЖтКнинг 159-моддаси 1-қисми бўйича 490 та 1,07 млрд сўм, 2-қисми бўйича 135 та 702,2 млн сўм ва 3-қисми бўйича 1271 та 8,03 млрд сўмлик маъмурий жарима қўлланилган. Ноқонуний қурилмаларни тартибга келтириш бўйича 2024 йилнинг январь-ноябрь ойларида кўп квартирали уйлардаги умумий молмулк ҳамда уларга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан ўзгартириш (реконструкция) ва қўшимча қурилма қуриш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бузилишини назорат қилишда 11 875 та кўп квартирали уй ўрганилди. Ўрганиш ишлари натижасида 4 521 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, барчасига ихтиёрий равишда бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма берилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларидан 1 149 таси бартараф этилган. МЖтКнинг 159-моддаси 1- ва 3-қисмлари билан 1 761 та қонунбузилиш ҳолати бўйича инспекция томонидан жами 9,1 млрд сўмлик маъмурий жарима белгиланган. Мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича судга 1092 та даъво аризаси киритилиб, қолган ҳолатлар айни пайтда иш жараёнида. Шунингдек, 2024 йил давомида 4 882 та кўп квартирали уйнинг ертўла қисми ўрганилган бўлиб, уларда 888 та қоидабузарлик ва камчилик аниқланган. 290 тасига нисбатан маъмурий жарима чоралари кўрилиб, инспекция томонидан берилган мажбурий кўрсатмаларга асосан, 375 та камчилик бартараф этилган. Мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича судга 121 та даъво аризаси киритилган.

Шу билан бирга, бундай назорат тадбирлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш йўналишида ҳам олиб борилмоқда. Истеъмолчиларга ичимлик сувининг белгиланган сифат стандартларига мувофиқ етказиб берилишини таъминлаш мақсадида ўрганилган 22 463 та синов таҳлилнинг 1 010 таси санитария нормалари ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу жараёнда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига 3 611 та ноқонуний равишда уланиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузурларга нисбатан 4 173 та 10 674 млн сўмлик маъмурий жарима расмийлаштирилди.

Юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳали соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишлар талайгина. Мақсад эса – қурилиш, коммунал ва албатта, ичимлик суви йўналишида сифат назоратини янада кучайтириш, халқимизни фаровон ҳамда хавфсиз яшашига шароит яратиш, энг муҳими, юртдошларимизни мустаҳкам бино ва иншоотлар билан таъминлашдир. Соҳада фаолият юритаётган ҳар бир маъсул ходим шуни унутмаслиги лозим – бугун барпо этилаётган бинолар келажак авлод учун ҳам хизмат қилиши керак.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ КЎНИКМАЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ







Фарғонада “Ўзбекистон ёшлари форуми 2024” доирасида “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг “Касблар танлови” ва “Ёш қурувчи” йўналиши бўйича вилоят босқичи ўтказилди.

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан ташкил этилган мусобақада иштирокчилар ўз маҳоратларини намойиш этиб, қурилиш соҳасида эгаллаган билим ва кўникмаларини синовдан ўтказдилар.

– “Ёш қурувчи” йўналиши нафақат касбий маҳорат, балки келажакни барпо этиш имконияти ҳамдир, – деди Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Лазизхон Позилов. – Танловда ғолиб ягона бўлиши мумкин, аммо иштирокчиларнинг барчаси ўз малакасини ошириб, тажрибасини бойитади.

Иштирокчилар ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Энг яхши натижани қайд этган бир нафар иштирокчи республика босқичига йўлланма олди.

Корхонага ПРЕСС-ТУР ташкил қилинди

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ, журналист.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинаётгани иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Қўқон эркин иқтисодий зонасидаги гипсокартон листларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “BNBM Building Materials Central Asia” МЧЖ иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошди.



Яқинда ушбу корхонага “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан журналистлар иштирокида пресс-тур ташкил қилинди.

Мазкур компания Ўзбекистоннинг Хитой билан ҳамкорликдаги янги экологик тоза қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун ихтисослашган платформа ҳисобланади. Компания Ўзбекистонда дунё классидаги гипсокартон ишлаб чиқариш базасини яратиб, Марказий Осиё қурилиш соҳасига хизматлар кўрсатиш учун илғор дунё технологиялари, асбоб-ускуналари ва бошқарув концепцияларини олиб кирди.

– Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг кун сайин ривожланиб бораётгани туфайли юртингизга кириб келдик, – деди корхона бош директори Дуо Шан Фен. – Бунинг учун бизга икки давлат ҳукумати, шунингдек, Фарғона вилоят, Қўқон шаҳар ва Учкўприк тумани ҳокимликлари томонидан катта имконият яратиб берилди. Корхонамизнинг бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати 50 млн кв метрга, темир профиллар ишлаб чиқариш қуввати эса 3 минг тоннага етади. Агар ушбу маҳсулотларга талаб бўлса, қувватни яна кўтариш имкониятимиз бор. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни арзонлаштириш мақсадида хомашё ҳам маҳаллийлаштирилляпти. Яқин-яқингача қоғозлар Россиядан келтирилган бўлса, эндиликда Самарқанд қоғоз ишлаб чиқариш корхонасидан олиб келиняпти. Бизда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот сифати алоҳида назорат қилинади. Ўтган давр мобайнида 4,5 млн АҚШ долларилик маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

Компания “Яшил технология ва сифатли ҳаёт” шиори остида доимий равишда аҳоли яшаш манзилларини кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам кўмаклашади. Ишлаб чиқариш ускуналари двигателларига энергия тежамкор батареялар ўрнатилган. Ишлаб чиқариш қуввати ҳозир 50 млн кв метрга етказилди. Бу, Марказий Осиёда жуда катта ишлаб чиқариш заводларидан бири дегани. Маҳсулотлар асосан, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига экспорт қилинади.

Корхонада техника хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда бинога киришда яшил йўлакчалар чизилган. Бу чизиқчадан ташқарига чиқиш мумкин эмас. Чунки ҳар томонда қудратли техникалар мунтазам ишлаб турибди. Кутилмаганда хавф солиши мумкин. Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш мақсадида тез-тез техника хавфсизлиги ҳақида суҳбатлар ўтказиб турилади.

Олис манзилларни обод этаётган ОБИ ҲАЁТ

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сув ер юзидаги ҳаводан кейинги ўринда турувчи ҳаёт манбаи ҳисобланади. Барча мавжудотларнинг асосларидан бири бўлгани боис, усиз борлиқни тасаввур этиб бўлмайди. Масалан, инсон танасининг 60 фоизи сувдан иборат. Бироқ у атиги 10 фоизини йўқотганида ҳам ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Ер юзининг 70 фоизи сувли ҳудудларни ташкил этади. Лекин унинг атиги 1 фоизигина ичишга яроқлидир. Ушбу маълумотларнинг ўзиёқ сувнинг аҳамияти ва қадри нечоғли юксак эканини ифода этмоқда.

Сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби, тоза ичимлик суви таъминотида ҳам туб бурилишлар кўзга ташланмоқда. Юртимизнинг олис манзилларига ҳам оби ҳаёт кириб бориши бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг инсон ҳаётига бўлган ижобий таъсиридир. Бу борада Андижон вилоятида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Сўнгги беш йилда 3 млн 524 мнг 8 километр тармоқ тортилиб, 685 та сув қудуғи ва 52 та сув иншоотида таъмирлаш ҳамда янгитдан қуриш ишлари амалга оширилди. Натижада 600 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, 422 та маҳаллада яшовчи 540 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди. Ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражаси эса 78,1 фоиздан 92 фоизга етказилди.

Ҳудудларни сувлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишда давлат дастурларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Маълумотларда баён этилишича, 2024 йил давомида барча дастурлар доирасида 103 млрд сўм маблағ ҳисобига 186,3 километр ичимлик суви тармоғи тортилиб, 9 та сув иншооти, 25 та сув қудуғи қурилди ва реконструкция ишлари бажарилди.

– Ушбу ишлар натижасида 33 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 64 минг нафар истеъмолчига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди, – деди “Андижон сув таъминоти” АЖ директори Дилшодбек Қўлдошев. – Бу борада энг аввало, ижтимоий жиҳатдан шароити нисбатан оғир бўлган ҳудудларни сувлаштиришга алоҳида эътибор қаратдик. Натижада чекка ҳудудлардаги маҳаллаларнинг ҳар бир хонадонига сув жўмраклари ўрнатилиб, оби ҳаёт кириб борди. Бу билан вилоятнинг сувлашганлик даражаси 92 фоизга етказилди. Бу борада у Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринни эгаллашининг ўзиёқ вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари нечоғли кенг кўламда амалга оширилаётганидан далолатдир.

Бугун бутун жаҳонда сув билан боғлиқ муаммолар юзага чиқа бошлади. Бунга сувдан тўғри фойдаланмаслик, исроф қилиш каби ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг маълум қилишларича, вазият шу тарзда давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб аҳоли сувга доир жиддий вазиятга юз тутади. Афсуски, бу ташвиш мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айниқса, тоза ичимлик суви таъминотига доир хавфнинг олдини олиш учун шу бугундан ҳаракат қилмоқ мақсадга мувофиқдир. Шу боис, “Андижон сув таъминоти” АЖ томонидан ичимлик сувидан унумли фойдаланиш орқали уни исроф қилмаслик чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу мақсадга йўналтирилган истиқболли лойиҳалардан бири – сув жўмракларига сув ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш бўлиб, ушбу амалиёт орқали биринчи ўринда сув исрофгарчилигининг олдини олиш мумкин. Зеро, анъанавий усулда сувдан фойдаланганимизда унинг 27 фоизи беҳуда сарфланади. Сув ҳисоблаш ускунасини ўрнатиш орқали ана шу миқдордаги сувни ҳам иқтисод қилишга эришилади.

– Бугунги кунда вилоятда 535 минг нафар истеъмолчи мавжуд бўлиб, 2024 йил давомида уларнинг 56 минг нафарини сув ҳисоблагичлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлсада, амалда 100 мингта ускуна ўрнатилишига эришилди, – дея суҳбатда давом этади Дилшодбек Қўлдошев. – Натижада сув билан таъминланиш даражаси 50 фоизга етказилди. Ваҳоланки, олдинги йилда бу кўрсактчи 15 фоиздан иборат эди. Сув ҳисоблаш ускуналарининг ўрнатилиши ичимлик сувини тежаш билан бир қаторда, истеъмолчилар томонидан фойдаланилган тоза ичимлик суви учун тўланадиган тўловни иқтисод қилишга ҳам сабаб бўлмоқда.



– Аввалларимиз сувни кўчамиздаги колонкадан ташиб келардик, – деди Жалақудуқ туманидаги “Маданият” МФЙда истиқомат қилувчи Отамирза Одилов. – Ҳозирда сув жўмраклари ҳар бир хонадонга кириб келди. Бу орқали турмуш шароитимизни янада яхшилашга эришдик. Шу билан бирга, тўлов миқдорида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар кузатилди. Шахсан бизнинг оилада сув ҳисоблаш ускунаси ўрнатилганидан кейин бир ойлик тўлов миқдори беш бараварга қисқарди. Демак, сув ҳисоблаш ускунаси орқали нафақат сув, балки маблағимизни ҳам тежашга эришяпмиз.

Жамиятда соҳа тараққиётини таъминлаш, амалга оширилаётган ишлар ривожини йўлга қўйиш мақсадида яшил энергияни ишга тушириш борасида ҳам хайрли ишларга қўл урилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қарори ижросини таъминлаш доирасида жорий йилда 57 та энергия тежамкор насос ишга туширилди. Бунинг натижасида йилига 4 млн 582 минг кВт электр энергияси ёки 4 млрд 124 млн сўм маблағ тежалишига эришилди. Бундан ташқари, сув иншоотлари ҳудудида қуввати 50 МВт бўлган қуёш паннелларини ўрнатиш бўйича хатлов ишлари йўлга қўйилди. Бу каби истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда Хитойнинг “Gansu Yucun New Energu Technologu” ҳамда Россиянинг “Зарубежнефть” АЖ компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши аҳамиятлидир.

Шунингек, бу лойиҳаларнинг ишга туширилиши йилига электр энергияси учун ҳаражатлар қийматини 25 фоизга қисқартириш имконини беради. Масалан, ҳозирги кунда, 1 кВт электр энергия 900 сўм нархда сотиб олинмоқда. 1 ойда 4 млн 27 минг кВт/соат электр энергияси сотиб олиниб, 3 млрд 624 млн сўм электр энергиясига тўлов қилинмоқда. Ўртача 10 млн 641 минг $м^3$ ичимлик суви ишлаб чиқариляпти. 1 $м^3$ ичимлик сувини ишлаб чиқариш таннархи 1 401 сўмни ташкил қилади. Қуёш панеллари ўрнатилгандан сўнг инвесторлардан 1 кВт электр энергия 700 сўм нархда сотиб олиниб, 2 млрд 819 млн сўм электр энергиясига тўлов қилинади. 1 $м^3$ ичимлик сувини ишлаб чиқариш таннархи эса 1301 сўмни ташкил қилади.

Жорий йилда Андижон вилоятида истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги хайрли ишлар 2025 йилда ҳам кенг кўламда давом этади. Зеро, навбатда 11,7 километр янги сув қувурини тортиш, 2 та сув қудуғи, 2 та сув иншоотини қуриш ва таъмирлаш орқали 8 та маҳаллада истиқомат қилувчи 33 минг нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви таъминотига эга бўлади. Шунингдек, 64 минг нафар ҳамюртимизга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади.

Бир сўз билан айтганда, “Андижон сув таъминоти” АЖ томонидан ҳудудларни сувлаштиришда барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу эса манзилларда инфратузилмани шакллантириш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш имконини бермоқда.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№96 (849) 2024 йил 13 декабрь

Ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги арафасида Қашқадарёда қатор объектлар фойдаланишга топширилди.





Хусусан, Нишон туманидаги Умр бунёдкори маҳалласида жойлашган 17-сонли умумий ўрта таълим мактабида аваллари синфхоналар етишмас, ўқувчилар бугунги кунга қадар мослашган биноларда таълим олиб келаётган эди. Жорий йилги инвестиция дастури асосида ушбу мактабга 220 ўринли янги қўшимча бино қуриб берилди. Мактабнинг янги биноси қарийб 2,5 млрд сўм маблағ ҳисобига барпо қилиниб, ўқув жиҳозлари билан таъминланди ва ўқувчилар учун зарур шароитлар яратилди. Эндиликда ўқувчи ёшлар барча қулайликларга эга бўлган, кенг, ёруғ ва иссиқ хоналарда таълим олишади.

Шаҳрисабз туманидаги Ўртақўрғон-2 маҳалласида жойлашган 82-умумтаълим мактаби ҳам амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг қайта фойдаланишга топширилди.

Мазкур муассаса 180 ўринга мўлжалланган бўлсада, шу пайтгача унда 428 нафар ўқувчи таълим олар эди. Мактабга 2 миллиард 376 миллион сўм маблағ эвазига 240 ўринли қўшимча бино қуриб берилди. Замон талаблари асосида қурилган мазкур мактабнинг янги биносида ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган.

Мактаб қисқа муддатда замонавий қиёфага келтирилиб, фасад қисмидан тортиб, ички, коммунал ва иссиқлик тизимларигача янгиланди. Шу билан бирга, хорижий тиллар, мусиқа, информатика хоналари ва замонавий лаборатория ҳам ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Кейинги йилларда Ғузор туманида ҳам боғчалар сони кўпайиб, болалар қамрови кенгаймоқда. Жумладан, яқинда туманнинг Эскибоғ маҳалласида 33-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти янгидан ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу таълим маскани 120 ўринли бўлиб, 500 млн сўм маҳаллий маблағ эвазига реконструкция қилинди.

Маълумот учун: бугунги кунда Ғузор туманидаги 34 та давлат, 6 та давлат хусусий шерикчилик ва 216 та оилавий мактабгача таълим ташкилотида жами 13 минг 900 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Косон туманида ҳам янги объект – “Регзор” оилавий поликлиникасининг очилиш маросими ўтказилди.

Унда туман ҳокимлиги масъуллари, тиббиёт тизими фахрийлари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, яратилган шароитларни кўздан кечиришди. Тиббиёт муассасаси шу пайтгача эски, таъмирталаб ҳолатга келиб қолган бинода фаолият юритар эди. Соҳага қаратилаётган эътибор туфайли бино республика бюджетидан ажратилган 1 млрд сўм маблағ эвазига реконструкция қилинди. Барча шароитга эга бўлган поликлиника 3 та – Регзор, Ровот, Аралиқ маҳаллаларининг 13 минг 265 нафар аҳолисига хизмат қилади. Бугунги кунда масканда 34 нафар тиббиёт ходими фаолият олиб бормоқда.

Албатта, олис қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган бу каби бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад – инсонлар турмуш даражасини яхшилашдан иборатдир.

Байрамга муносиб туҳфа

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32 йиллиги арафасида Урганч шаҳрида Ўзбекистон Давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлинмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу бинонинг қурилиши учун 4 миллиард сўм сарфланди.



Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда нуронийлар, маданият ва санъат намоёндалари, ёшлар иштирок этишди. Маросимда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов сўзга чиқиб, серқирра истеъдод эгалари жамланган мазкур ижодий жамоанинг Хоразм қўшиқчилик ва рақс санъати ривожидаги улкан хизматлари ҳақида тўхталди.

Таъкидлаш жоизки, бу даргоҳда кўп йиллар давомида миллий санъатимиз дарғалари фаолият кўрсатган. Халқ артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, нуфузли кўрик-танловлар ғолиблари етишиб чиққан. Филармония жамоаси дунё бўйлаб гастрол сафарларида, халқаро фестивалларда миллий санъатимизни зўр маҳорат билан намойиш этиб келишмоқда.

Шаҳар кўркига-кўрк бўлиб қўшилган ушбу янги санъат кошонасида машғулот заллари, репетиция хоналари, умуман, санъаткорларнинг эркин ижод қилиши учун барча шароит яратилган.

Профессор-ўқитувчилар хорижда малака оширдилар

Исламбек ДАВЛЕТОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети Менежмент кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), профессор.
Дилфуза БЕРДИЕВА, кафедра профессори в.б., PhD.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-416-сон қарорига асосан, архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ва халқаро андозалар асосида трансформация қилиш, хусусан, ўқув жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўзаро интеграцияни янада мустаҳкамлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур қарорда архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланиши билан бирга, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистрант ва талабаларнинг хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида илмий стажировкалари, алмашинув дастурлари асосида малака оширишларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу боис, Тошкент архитектура-қурилиш университети Менежмент кафедраси доценти в.б., PhD Эъзоза Ҳайдарова, Иқтисодиёт ва кўчмас мулк кафедраси доценти, PhD Карима Ташмуҳамедова ҳамда Шаҳар инфратузилмаси кафедраси доцентлари Барно Муталова ва Камилла Абдуллаева жорий йилнинг 20 октябридан 20 ноябрига қадар, бир ой муддатга Россия Федерациясининг Санкт-Петербург давлат архитектура ва қурилиш университети (СПбГАСУ)га илмий стажировкага юборилди.

Санкт-Петербург давлат архитектура ва қурилиш университети Россия Федерациясидаги йирик ўқув ва илмий марказ бўлиб, мамлакатнинг шимолий-ғарбий федерал округида архитектура, қурилиш, транспорт ва муҳандислик-экология соҳалари учун мутахассисларни тайёрловчи ягона олий таълим муассасаси ҳисобланади. Олий таълим муассасасининг миссияси – Санкт-Петербургнинг ноёб шаҳарсозлик ва архитектура муҳитини сақлаш, уни такомиллаштириш ҳамда Россия давлатининг архитектура, қурилиш, транспорт соҳалари ва аҳоли ҳаёт сифатининг инновацион ривожланишини замонавий илмий усуллар ва таълим технологиялари асосида юқори малакали ҳамда ижтимоий масъулиятли мутахассисларни тайёрлаш орқали таъминлашдан иборат.

СПбГАСУ ва ТАҚУ ўртасидаги келишувга асосан, малака ошириш (стажировка) режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Тасдиқланган режага асосан, СПбГАСУ Иқтисодиёт ва бошқарув факультети декани, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Галина Токунова ТАҚУдан келган профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши (стажировкаси)га раҳбар этиб тайинланди. Хорижий сафарнинг биринчи кунида СПбГАСУдаги ҳамкасбларга эсдалик совғалари топширилди ва илмий стажировкани ўташ режасини амалга ошириш юзасидан суҳбат уюштирилди.

Стажировка давомида профессор-ўқитувчилар университет тузилмаси, бугунги кунгача эришилган ютуқлар, таълим соҳасидаги янги ғоялар билан яқиндан таништирилди. Архитектура ва қурилиш соҳасига оид 1 миллиондан ортиқ нашрга эга бўлган қадимий илмий-техник кутубхонага ташриф, университетдаги ўқиш жараёни, қўлланилаётган илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар билан яқиндан танишув профессор-ўқитувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, иштирокчилар Қурилишда менежмент ҳамда Қурилиш иқтисодиёти ва уй-жой коммунал хўжалиги кафедраларидаги ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш борасида қандай халқаро стандартлардан фойдаланилаётганлиги, ихтисослик ва мутахассислик фанларини ўқитишда қандай илғор педагогик технологияларнинг қўлланилиши, талабаларга амалий машғулотларни қизиқарли тарзда ўтказиш жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида юқори курс дарс жараёнларида бевосита иштирок этишди. Малакавий амалиётларнинг ташкил этилиши, битирув малакавий (диплом) ишлари ва магистрлик диссертациялари бажарилиши, мавзулар банки, уларнинг бугунги кунда архитектура-қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар муаммолари асосида тузилганлиги ўрганилди.

Кафедраларда илмий салоҳият, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари ва уларнинг тақсимоти ҳамда малака ошириш курсларида қатнашишлари ҳам эътибордан четда қолмади. Ҳамкорликда ёзги мактаб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, вебинарлар ва онлайн мастер-классlar, қўшма конференция ва семинарлар ташкил этиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва илмий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, нуфузли илмий базалардаги журналларда биргаликда мақолалар, монография, дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этиш ва бошқа шу каби муҳим йўналишларда СПбГАСУ ходимлари билан биргаликда семинар-тренинглар ҳамда давра суҳбатлари уюштирилди.

Стажировкани муваффақиятли якунлаганлик тўғрисида ТАҚУ профессор-ўқитувчиларига СПбГАСУнинг ўқув ишлари бўйича проректори Сергей Михайлов томонидан сертификатлар топширилди.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

2024 йил декабрь ойининг 13-16 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Девонхона мудири **Гулшаной Отабоева,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бош мутахассиси **Беҳзод Муротов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Нодир Рихсибоев,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Самариддин Зокиров,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ ИЛСК етакчи мутахассиси **Акмал Инсавалиев,** ГИТ архитектори **Шалола Исматуллаева,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси фарроши **Мухайё Исламова,** Техник бўлим бош архитектори **Комилжон Матчонов,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси гуруҳ мудири **Марина Иванова,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси сектор мудири **Мираббос Миробидов,** “Жиззах” вилояти филиали лойиҳа бош архитектори **Саъдулла Тагаев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Рахат Эшанов,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ филиали бош мутахассиси **Махсетбай Ибрагимов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими бош мутахассиси **Дониёр Акрамов,** Жондор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Ҳамробек Шодиев,** Пешку тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Дилшод Бадалов,** Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўлими бош мутахассиси **Беҳзод Бобомуродов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Абдусаттар Ҳасанов,**

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Шавкат Усмонов,**

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “Раҳим Рахмон инвест” ХК бош директори **Қосим Тошев,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Happy-Wind” БСК МЧЖ бош директори **Нодира Муҳамедова,** “Imrannn” БСК МЧЖ бош директори **Асадуллах Ханкишиев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ Фарғона филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Қўқон туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 26 августдаги 4-1502-2401/4618-сонли Ҳал қилув қарорига асосан **“Qo‘qon Elektr Montaj” МЧЖ** банкрот деб этироф этилган тугатиш бошқарувчисининг 2024 йил 10 декабрдаги 657-сонли буюртманомасига асосан **“Qo‘qon Elektr Montaj” МЧЖ** номидаги қуйидаги мол-мулк савдога қўйилмоқда:

Фарғона вилояти Фурқат тумани, “Ингичка” МФЙ, Боғу-бўстон кўчаси, 18-уй ҳудудида жойлашган **умумий ер майдони** – 4310 квадрат метр, **умумий фойдали ер майдони** – 1 192,78 квадрат метрдан иборат бўлган нотурар жойлар. **Бошланғич баҳоси** – 2 130 261 077,00 сўм.

Аукцион савдо 2025 йил 15 январь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади.

Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2025 йил 14 январь куни соат 18.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган санадан бошлаб 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашади: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари — **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи — **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ — **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1241.
1504 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.00.
Топширилди – 22.00.
1 2 3 4 5 6